# ДЕПУТАТЛАР ҲАМДА КОТИБИЯТ ХОДИМЛАРИ УЧУН СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси, Сурхондарёга бириктирилган Сенатор О.Иминов шунингдек, Термиз Давлат университетининг профессор ўқитувчилари, вилоят Молия бошқармаси, вилоят Солиқ бошқармаси ҳамда вилоят Адлия бошқармаси вакиллари иштирок этиб, ўз маърузаларида асосан, бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган кенг ислоҳотлар ва уларда депутатларнинг ўрни борасида алоҳида фикр-мулоҳазалар юритишди. Эътиборлиси, семинарда Шеробод туманига қўшни Қизириқ, Музработ ҳамда Бойсун туманларидаги депутатлар ҳамда котибият ходимлари ҳам иштирок этишди.